

ЖАҲОН СУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИ, 1412 ЙИЛ,
РАМАЗОН, 21-КУН.
ШАМСИЙ,
1371 ЙИЛ,
ҲАМАЛ, 5-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 25 МАРТ, ЧОРШАҲБА, 57-СОН • 308 •

НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЯНИН.
СОТУВДА 60 ТИЯНИН.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ БЎЛИНМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августдаги қонунга, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлиги тўғрисида» 1992 йил 14 январдаги қарорига ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари кенгашининг 1992 йил 20 март кунги Киев шаҳрида чегара қўшинлари ҳузурида тузилган битимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси қўриқлашнинг таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати ҳузурида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил қилинсин ва чегара қўшинлари бошқармасининг бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси МХХ раисининг ўринбосари лавозими жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган Ўрта Осиё чегара округи чегара қўшинларининг қисмлари ва бўлиmlарини Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳузуридаги Чегара қўшинлари бошқармасининг тасарруфига ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати (ўртоқ Ф. А. Алиев) бутун шахсий таркиби, қурол-яроғлари, моддий-техникавий мулк ҳамда бошқа мулклар билан Чегара қўшинларининг қисмлари ва бўлиmlарининг қабул қилиб олинсин.

Бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинларининг низоми, штат тузилиши ва уларнинг сони белгиланган тартибда ишлаб чиқилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1992 йил 24 март.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исрол КАРИМОВ жаноби олийларига

Сиз жаноби олийларининг маътубингизни олдик. унда бизнинг Саудия Арабистони мамлакатига қўйилган тахтининг ағаллаганимиз санасига 10 йил тўлиши муносабати билан Сизнинг ва қардош Ўзбекистон халқининг муносабати билан Сизнинг баён этилмишидир. Ташаккур изҳор этиб ҳамда Сизнинг туйғуларингиз ва дўстона тиллашнинг юксак баҳолаб, Сиз ҳазрати олийларига энг яхши ис-таклар ва Ўзбекистон халқига доимий тараққий ва раванг тилаймиз. Иккала қардош мамлакатимиз ўртасидаги алоқаларни тасдиқлашдан шодимиз ва шу алоқаларнинг мустаҳкамланиб, ривож топишига мушқоқимиз.

Саломларини қабул этгайсиз.

Икки муқаддас масжид ходими
Фахд бин Абдил Азиз ал САУД
Саудия Арабистони мамлакатининг подшоҳи.

«ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДА БУЛМАГАН ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАҚИҚЛАШ ҲАМДА ЯҚҚА ҚУРАШНИНГ ЖАНГОВАР ВА ШАРҚ УСУЛЛАРИНИ УРГАТАДИГАН СПОРТ КЛУБЛАРИ (СЕКЦИЯЛАРИ) ИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ДОИР


17 март кунин республика ҳукуматида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ордомуени, қадриятини ва қонуний манфаатларини ҳуқуққа аид таъжовулардан ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бир-лашмалари ҳақида», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида кооперация ҳақида» қабул қилинган қонунлар фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлади. Бу қонунлар фуқароларнинг фаровонлигини оширишга ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Вироқ ана шу қонунларнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган корхоналар, кооперативлар пайдо бўлиши билан бир қаторда давлат тасарруфиди бўлмаган турли хусусий қидирув ва бошқа тузилмалар ташкил этилмоқда.

Улар бажарадиган вазифалар қонунларда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаларига киритилган. Фуқароларнинг ҳуқуқларини маҳфий эшитишнинг ва ёни оладиган қўриқларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ташкил этишга уриниш ҳолатлари учраб турибди.

Янқа курашнинг жанговар ва Шарқ турлари усулларини ургатадиган спорт клублари (секциялари) ишнинг тартибга солиши, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини таъминлаш мақсадида тегишли давлат органларига бир ой муддат ичида қонунга ҳилоф равишда иш олиб бораётган ана шундай тузилмаларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини тақиқлаш вазифаси топширилди.



СУРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Сурия Араб Ҳужумчиликнинг делегацияси 23 март кунин Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга шу мамлакат ташқи ишлар вазирини Фаруқ Ал Шараа бошчилик қилмоқда.

Сурия Араб Ҳужумчилик билан Ўзбекистон Республикасининг давлат байроқлари хиллаб турган Тошкент тейрағоҳида ҳурматли меҳмонини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов, республика ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Г. Тешабоев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири самолёт пиллапоси ёнида ваъза билан қисқача суҳбатлашди. — Биз қардош Ўзбекистон дидрига зўр қувонч билан келдик. Сурия билан Ўзбекистон ўртасида жуда азалдан дўстона алоқалар бор, — деди, жумладан, Фаруқ Ал Шараа. — Самимий кутиб олганликларини унинг миннатдорчилиги билдирангани ва бизнинг ташрифимиз самарали бўлишига астойдил ишонганимиз. Бу ташриф иккала давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун негиз яратди.

Ташрифимизнинг мақсади, деди суҳбатнинг охирида Сурия делегациясининг бошлиғи, Сурия Араб Ҳужумчилик билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган, келгусида бу муносабатларни иккала мамлакат халқлари бехт-саодати йўлида янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида келишиб олишдан иборат.

Ўзбекистон Президенти Суриялик халқлар ўртасида тиқиники мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатига юқори баҳо берди. У Сурия халқига ўзининг зату тиллашларини етказишни делегация аъзоларидан илтимос қилди.

Фаруқ Ал Шараа Ўзбекистон дидрига илқиқ ва дўстона кутиб олганликларини ҳамда самимий ва фойдали суҳбат учун Президент И. А. Каримовга делегация аъзолари номидан самимий миннатдорчилик изҳор этди. У Сурия давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганлигини, иккала мамлакат ўртасида барча соҳаларда ўрнатилган алоқаларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганини, Фаруқ Ал Шараа Сурия Араб Республикасининг Президентини Ҳафиз Асад номидан Президент И. А. Каримовни Сурияга таъриф этди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирини У. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Г. Тешабоев катнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов шу кунин

Сурия Араб Республикасининг ташқи ишлар вазирини Фаруқ Ал Шараа бошчилик қилмоқда.

Суҳбатда Сурия Араб Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатилиш ва ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шу кунин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Сурия Араб Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиш тўғрисида битим имзоланди.

Ушбу битимда икки мамлакат ўртасида қўллаб-қувватлаш руҳи асосида муваффақиятлик ҳамкорлик қилишни учун зарур замин яратишни назарда тутиш, Ўзбекистон Миллатлар Ганкилотининг низоми ва принципларига амал қилиш, қонуни устулинлигини, суверенитет ва мустақиллиқни, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлиқни ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ўзаро сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 йил Вена конвенциясига мувофиқ элчихоналар даражасида дипломатик алоқалар ўрнатилиш кўзда тутилган.

Витимини Сурия Араб Республикаси номидан ташқи ишлар вазирини Фаруқ Ал Шараа, Ўзбекистон Республикаси номидан ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фотиҳ Тешабоев имзолалар.

Суриялик меҳмонлар Тошкентнинг ноёб меъморийлиги обидаларини томоша қилдилар.

Сурия Араб Республикасининг ташқи ишлар вазирини Фаруқ Ал Шараа бошчилик қилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.



СУРАТЛАРДА: қабул пайти.



А. ГОРӨКРИК олган сурат.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Россия Федерацияси президенти матбуот хизматидан хабар беришларича, Федератив шартнома имзолаш 31 мартга қолдирилган. Татаристон билан Чеченистон бу ҳужжатга қўл қўйишдан воз келганлар.

● Грознийдаги «Красный молот» заводда 5, 45, 7, 62 ва 9 миллиметр калибри автомат қуроллар ишлаб чиқаришга киришилди.

● Эстония ва Латвия давлат вазирлари Уно Вазиринг билан Янис Диневич қар иккала мамлакатнинг қуруқликдаги чегарасини тиллашга доир шартномага имзо чекдилар. Бу чегара 1940 йил 16 июлга қадар мавжуд бўлган ҳудуд чизиқларига асосан мувофиқ келадди. Республикаларнинг денгиздаги чегараси ҳақида яна шартлашиб олинди.

● Францияда чиқадиган «Эко» рўномаси ёзишчи, худди Михаил Горбачев ўз вақтида собик СССРдаги бутун ҳокимиятни аста-секин қўлга олгани каби Борис Ельцин ҳам Россия Федерациясида Президент, бош вазир, мудофиа вазирини лавозимларини эгаллашга мажбур бўлди. Бу ҳол муносиб кадрлар топиш нақадар мушкул бўлиб қолганини кўрсатди.

● Литва радиоси эшиттиришидан: Аргентинанин Латиноамерика фавқлодда ва мухтор элчиси таъкидлашчи, унинг мамлакатини Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатларидан қўллаб-қувватлашни қабул қилишга тайёрлар. Кўчиб борушларини сони дунёнинг турли мамлакатлари, шунингдек халқаро ташкилотлар кўрсатадиган молиявий ёрдам ҳажмига боғлиқ бўлади.

● Жанубий Қозғистон давлат университетига энлогия ва иқтисодий соҳасидаги фундаментал ва аналитик тадқиқотлар учун халқаро муқофот таъкид этди. Фақат Қозғистондан эмас, балки МДҲдаги бошқа давлатларнинг алоҳида олимлари ва иқтисодий жамоалари ҳам ана шу муқофот соҳиблари бўлишлари мумкин. Шунинг учун ҳам пулниинг бир қисминини эркин муомалададаги валютада тўлаш мўлжалланган.

● Яқинда кунин Балхана целлюлоза-қоғоз комбинатида кучли ёғин чиққан. Аланга қорос ясаб чехига ёйилган ҳамда 7 машинадан учасини қамраб олган. Ёғиннинг даф қилиш учун Балхана, атрафдаги районлар ва Никнейн Новгороддан ўттизга яқин ў учирши машинаси этиб келган. Оловга қарши кураш қарийб беш соат давом этган. Қурбонлар ҳам бўлди.

● Рига аэропортга автомат қуроллар ва ўқ-дорини ортлган самолёт келиб қўнди. «Нейтқарига Циня» рўномаси ёзишчи, юк Оврупо давлатларининг бириндан юборилган.

● Кавказ тоғлиқ халқлик конфедерацияси парламентининг сессияси ўз ишнини тугаллади. Унда минтақадаги миллетлараро муносабатларни тақомиллаштириш йўллари диққат марказида бўлди. Икки кун давомнда депутатлар Шимолий Кавказ, Абхазия, Жанубий Осетидаги вазият билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек собиқ мухториятлар халқларининг ва ўз давлатига эга бўлмаган халқларнинг иккинчи сўздини тайёрлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

● Татаристонда референдум ўтказилди. Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Анавар Баҳовидиновнинг РАТА—ТАСС мухбирларига берган маълумотларига қараганда, референдумнинг саволига 1.309.300 киши ёки овоз беришда қатнашганларининг 61,4 фоизи «Июбий», 37,2 фоизи салбий жавоб қайтарган. 28,851 та бюллетень ёки бюллетенларнинг 1,5 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилган. Ҳаммаси бўлиб 2 миллион 132 киши ёки республикада овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларнинг 81,6 фоизи қатнашган. Шундай қилиб, июбий жавоб қайтарганлар сони овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 50,2 фоизини ташкил этди. Қозонда овоз берганларининг 46,8 фоизи, қишлоқларда 73,3, шаҳарларда 55,7 фоизи «ҲА» деб жавоб қайтарган.

● ЮПИ ахборот бошқармасининг Исломободдан хабар қилишича, Афғонистон Президенти Нажибулло Покистон Президенти Фулом Исқондоғга «аустона мактуб» юборди. Ҳужжатда иккала ислом мамлакати ўртасидаги муносабатларни яқин келажакда мустаҳкамлаш умиди билдирилган. Нажибулло Фулом Исқондоғга ва Покистон халқига «тинчлик ва раванг» тиланган. Ахборот бошқармасининг таъкидлашича, кейинги ўн уч йил давомнда бу — иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда биринчи бор ҳолис ният ишониси бўлди. 1979 йилда Афғонистонга совет қўшинлари киририлгандан кейин Покистон афғон мухождларига ёрдам бера бошлаган эди.

● Утган ойда Исломобод БМТнинг Афғонистонга оид сулҳ ражасини қўллаб-қувватлашини ва мухождларга мадад беришни тўхтатишини эълон қилди. Нажибулло эси, бешарти, Афғонистондаги аҳолини бартараф этиш манфаатларини талаб қилса, истифога чиқинга тайёр эканлигини айтди.

● Куба Республикасининг делегацияси Туркистон пойтахтига ташриф буюрди. Қузатилган мақсад Куба билан Туркистон ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатишдир.

● Туркия корхоналарида Туркистоннинг давлат байроғи ва рамзининг Бир неча минг нусхаси тайёрланмоқда.

● РНА мухбири Фаластини манбаларига асосланиб хабар беради: Эрон Ҳарбий-денгиз кучларини Россиядан келтирилган учта сувости кемаси ҳисобига тўлдирди. Улар ядро қуроллари олиб юришга ҳозир. Кемалар билан бирга Эронга энгиллаплар ҳам келган. Мақсад Эрон денгизчиликнинг ўқитишдир.

(Ахборот агентликлари ва хориқ рўномалари хабарларидан сараланди.)

ПОЙТАХТ ХАЁТИ

ХОРИЖГА —
КЎРГАЗМАГА

● РЕСПУБЛИКА бошлариниқоди маркази қошида расмолчилик, тўкув тўгараклари иш бошлади. 29-болалар уйи тарбияланувчилар орасида талантлик мусабирлар, айниқса кўп экан. Еш расмоллар чизган суратлардан бир туркумни Белгияда намоийш қилинди. Яқинда Жанубий Американинг Эквадор мамлакатига буладиган кўргазма учун ҳам 30 дан энёд ранг-тасвир усулда яратилган сурат тўлаб олинди.

ЭГАСИНИ ТОПИ

● АМЕРИКАЛИКЛАР инсонларнинг ёрдами таркибига юборган навабдиган туркум доридармонлар, шприцлар ўз эгаларига теги. Собир Раҳимов Райондаги 7-болалар, Сайргалдаги тери-таносил касалликларни ҳамда 17-шаҳар шифохоналарида даволанаётган беморлар кўнгли кўтарилди. Кунин-кеча республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси вакиллари қабул қилиб олган 6 тоннадан энёд озик-овқат маҳсулотларини ҳам АШФ фуқароларини юборишди. Бу хайриини ижлолтирдаги нам таъминлаган, исомор, бонувчисини йўқотган оилаларга улашини режалаштирилди.

Тарих тилга кирганда

- ЭЛЧИ ХАЙРАТИ
ЛОЛ ҚОЛГАН ҚИРОЛ
КОСА ТАГИДА НИМКОСА
ИСПАН ЗОДАГОНИ САМАРҚАНДА
СОҲИБҚИРОН МУРУВВАТИ

Узоқ турлар ўлкасидан элчининг қайтгани ҳақидаги хабар бутун Мадридда ҳаяжонга соғди. Герцоглардан тортиб граф, барон, маркизларгача барча зодагонлар суҳбат мавзуси — уша бир йил муқаддам қирол томонидан машур султон Боязид ҳузурига юборилган элчилар ҳақида эди. Улар қандай хабарлар келтиришди? Ҳақиқат ана шуни айтиш керак эди. Кастилия ва Леон қироли Генрих III дон Энрико ҳам охириги равишда барча ишлару маросимларни йиғиштириб элчини қабул қилди.

Уз саройидан бўлак жойини кўрмаган, ҳали ҳеч қандай жангу жадалларда шамширини ойнамаган қиролнинг бутун вужуди қулқоқ айланган. Эндигина 24 баҳорни қаршилаётган 40 ҳумқдор бутун Оврүпоини даҳшатга солган яширдек тез ва шиддаткор Йилдирми Боязиднинг ҳалокати ҳақида эшитган, шунинг учун ҳам Боязид қароргоҳида туриб Анкара жангини ўз кўзи билан кўрган элчининг ҳикоятига жуда муштоқ эди. Элчи бир тизасини буюкириқ солади деганини баҳо келтиргач, орқадаги мулозимлари устига шойи ёпилган алоқандай патисларни қирол тахти олдида қўйдирди.

Ушанда митрополит Киприан, Москва обдон, чин дилдан ибодат қилди ва балодан қутулди. Камергер Рио Гонзалес де Клавихо шундай дея элчиға мағрур қараб қўйди. Балки авлиб Иоани Темурбек қиёфасида оламга келиб бизларга назар ташлаётгандир, жаноблар, — деди Генрих III дон Энрико ўйга қўйиб, — зотан аввойи, саҳройи Осиёда Темурбекдай мард, олийҳиммат ва муруватли ҳумқдор бўлишга сира ақлим бовар қилмайди. Каромат қилдингиз, тақсири олам!

Муқаддас испан тупроғида ети асрдан бери арабу наварлар ҳукмронлиги давом этиб келмоқда. Балки, биз ҳам авлиб Иоани, инот этса, еримизни бу келгинди араблардан ҳалос этаримиз. Бундай муқаддас иш йўлида мен Темурбекнинг эмас ва балки иблисини ҳам ўзимга, падари бузруквор таштага тайёрман! Кастилия ва Леон қироли Генрих III дон Энрико камергерига нигоҳини қадаб сўзиди давом этди. Рио Гонзалес де Клавихо элчи билан Темурбек ҳузурига элчи қилиб кўнатишга азму қарор этурмиз. Худо ёр бўлсин! Барчалмиз Тангрига ибодат қилиб чин христиан юргандин Сизнинг сафарингизга омад тилаб қолурмиз. Кастилия қироли Генрих III камергери Рио Гонзалес де Клавихо Темурбек юртида кўрган-кечирганларини кундалик дафтариға қайд этиш билан машғул.

СОҲИБҚОР БОБО



© ҚОРАСУВ районидagi «Хасково» хўжалигида Исоқжон ота Каримов номини уста соҳибқор сифатида хурмат билан тилга олишди. Умрининг 76—баҳорини қаршилаган отахон меҳнат қилишдан толиққанча йўқ. Хўжаликдагина эмас, район миқёсида ҳам боргонларнинг муносиб устози. Айниқса Исоқжон отанинг ойнавандли майдонларда мандарин, лимон ўстириш борасидаги тажрибаси катта. Шу туйфайли ҳам у ёшларнинг ҳаминша ақин маслаҳатгўйи.

Икки манзара

МЕҲНАТКАШДА ГУНОҲ ЙУҚ. Неъмат АБДУСАМАТОВ, «Жиззах чўл қурилиши» бирлашмасига қарашли механизациялашган 21-кўча колонна ердамчи хўжалиги бошлиғи. ЗАМИНИМИЗ саҳий, нима эсанса, қуқаради. Яъни сидидидилдан меҳнат қилсанг, саховатини аймайди. Бунинг учун йилга қўлга киритилган ютуқларимиз тасдиқлаб турилади. 1991 йилда юз гектар ерда деҳқончилик қилдик. 338 минг сўмликдан зиёд маҳсулот сотдик. Жумладан, 250 тонна картошка, 250 тонна сабзи, 312 тонна ювун-тарвуз, 27 тонна ерғоқ, 11 тонна қарам еттиштирдик. Узингизга матлуш: бу хил маҳсулотларнинг нархи ил...

БУ КЕТИШДА АДО БУЛАМИЗ. Холиқул АЛИМОВ, «Жиззах чўл қурилиши» бирлашмаси автотранспорт бошқармасига қарашли ердамчи хўжалик директори: ХўЖАЛИГИМИЗДА ҳамма кўрсаткичларимиз беги осмондан келди. Ғалла ештириш режаси 48 фозда қилиб кетди. 68 гектар майдондан зурга 48 тонна дон олдик. Эшига яроқли 325 гектар ернинг 50 гектарига экилган макмақхўри режаси 100 тонна ўрнига 50 тоннагина дон тўкди. Худо бермаса қийин экан, 15 гектар майдондан бир килограмм ҳам силособ қўпони олишинг иложи бўлмади. Беда пичани еттиштириш режаси 76 фозда қолди. 66 тонна ўрнига зўрға 22 тонна сабабот топишдик. Айтиверсанг гап қўп, 22 тонна ўрнига 10 тонна гўшт...

НОНИЧЕ ДОБИ-МУСТАҚИЛСАНИ

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

ГУНОҲИ АЗИМ

«Халқ сўзи» рўзномаси номини қадрлаш, уни исроф қилмаслик мавзусини кўтариб хайри ишни бошлаганини таъкидлаш жоиз. Шу муносабат билан ҳаёлда юрган айрим мулоҳазаларимни ўртага ташлашга жазам этдим.

Болалик, тўпорилик давримни эслайман. Элигинчи йилларнинг бошлари. Уша пайтда бизнинг қишлоқларда (Ургут районидagi Минбулоқ қишлоғи) аҳолининг аксарият қисми арпа ундан қилинган нон ерди. Бугдой нон кам эди, биз — болалар — тенгдошларимиздан биронтасининг қўлида оқ нон (бугдой нон) кўриб қолсак, ҳавас билан, оғзимиз суз очиб термулардик. Арпаға ўхшаш ўт бўларди, бизда уни «так-так» деб аташарди, шу ўтдан нон пишириб еганларни ҳам биларман. Уша йиллари катталарни билмадимиз, биздек болаларнинг орзумиз оқ нонга тўйиш эди.

Аста-секин ҳаёт изга туша бошладим. Бугдой нонлар кўпайди, қишлоғимизда ҳеч ким арпа ундан нон пиширмайдиган бўлди. Олтиинчичи йилларнинг ўрталарида нон ана бир оз тортидди. Энди бугдой нон ўрнига маккажўри, ҳатто нухат ундан нон пишириладиган бўлди. 1964 йилнинг октябрида ҳокимият ўзгариб, маккажўри ундан тайёрланадиган нонлар барҳам топди. Нон етиштиришга алоҳида эътибор берилди бошланди. Инсоф билан айтганда, етишинчи йилларда нон ва нон маҳсулотлари жуда маъмуур эди. Худди мана шу даврда, назаримда, нонни хор қилиш, унга ўта бекфарқ қараш бошланди. Одамлар молни ҳам нон билан боқадиган бўлиб қолдилар. Ахлат ашиқларига бутун-бутун нонлар чиқариб ташланарди ўша йиллари. Тўйларда, бошқа маросимларда нон чиқиндилари шу қадар кўпайиб кетдики, нонлар шу қадар исроф қилиндики, очиги, бунинг сўз билан ифодашга оғир. Достурхон тўла нон турарди, битта янги меҳмон келса иккита нон келтириб қўйиларди. Синдирилган нондан бир тилшам ейилса, ёйларда, бўлмаса йўқ, лекин янги меҳмон келса ана бутун нон синдирилади.

Катталар ҳам, болалар ҳам сал суви қочган нонни емай қўйдилар. Нонни қуритиб, нонқоқ қилиш деган гапларни айтиш ҳам уят эди. Раҳматли отам жамоа кўчалиги рақслигдан тортим бригадирликкача ишлаганлар. Кўп қийинчиликларни кўрганлар. Суҳбатлар қонди инсоф диниёт, адолат, бировнинг ҳақиға ҳиёнат қилмаслик, исрофгарчиликнинг ҳуқуқ оқибатлари ҳақида кўп гаплардиладар. Уларни кўрган, эшитган воқеаларни мисол қилиб келтирар эдилар.

Замонамиз шундай тўқ, фаровон бўлгани қандай яхши, — дердилар отам. Аммо шу тўқилишнинг қадрига етмаганимиз, ўғлим. Ҳозир ҳамма жойда тўй. Бу — тўқилиш нишона. Лекин шу тўйлардаги, ҳатто марказлардаги исрофгарчиликнинг кўриб, одамнинг ичи ачинади. Қанча-қанча нонлар, овқатлар увоғ бўлаётти. Урушдан олдинги очарчилик йилларида, уруш даврида одамлар бир тилшам нонга зор бўладилар. Нон учун, ўлиб қолмаслик учун не-не қабил ишларга кўл урмаганлар... Э, ўғлим, айтаверсанг гап қўп, бу тўқилишнинг учун бугунги исрофгарчиликнинг кўриб қўйиб кетаман-да. Ишчилик охири баҳайр бўлсин. Бир кун келиш шу қилишларимизнинг увоғига қолмасак, деб кўркам, болам.

Сотиб олиш тўғрилиги тўғрилиги, ҳамма бирдай сотиб олмайдим, аммо шу одам кириб келди. Бунинг учун қишлоқ аёлларини қоралаш ҳам нотўғри, чунки, биринчидан шариот шунга мажбур эди, иккинчидан дала ишларидан ортиб нон ёйиши имконлари ҳам кам эди. Шунга кўра новвойхоналар очилгани ахшидай туюлади, одамларга гамаҳуриликка ўхшаб кўринади. Бошқа томондан қараганда, бу гамаҳурилик ҳам нисбий тўқилиш-да. Қўлдан берилганга қўш тўймак деганларидек, сотиб олган ноннинг барқаси бўлармиди. Отам раҳматли магазин номининг гози йўқ, дердилар, очиги, ўша пайтда бу гапнинг маъноси тўқилиш эди. Кейинчалик билсам тағида катта ҳикмат, чўқур маъно бор экан. «Гози» деганида қаввати (калорикси) тушуниларкан. Чинданам тегиримонда тортилиб, ўйда пиширилган нондан тегиримонда қилсангиз қучли овқат егандай тўқ юрасиз. Бу билан мен нон завбдорларда пиширилган нонларнинг ҳаммаси сифатсиз демокчи эмасман, тандир номининг қуш ташму қуваётли эканини таъкидлаб ўт-қочқиман, холос. Тўғри, тегиримонда тортилан ун магазиндаги ундардан, хусусан олий навли ундан кўра кўрмасизроқ, ланги хирароқ. Бироқ, юқориди айтганимдай, нонни қуваётли, тўйимли бўлади. Тегиримонда бугдой тортирилган одамнинг ўрнида озми-кўпми ғалласи туради. Унда ло-ақал икки-уч қўп бугдойи бор одамнинг кўзи тўқ, кўнгли хотиржам юрадди.

Шу нуқта назардан қараганда, ўтган йили Президентимизнинг фармони билан ҳар оилага юз килограммдан бугдой тарқатилгани кўп хайри иш бўлди. Шундай экан, бугунги кунда иложи топилса ҳар бир қишлоқда тегиримон очиб мақсадга мувофиқдир. Бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Яна бир мулоҳаза. Аввало оби нонлар тайёрлашни кенгайтириш даркор. Ундан кейин буханкаларни турли ҳажимда чиқариш мақсадга мувофиқ. Ҳозир икки кишилик оила ҳам, тўрт кишилик оила ҳам бир хилдаги буханкани олади. Яримта нон олишга эса бизнинг халқимиз одатланмаган. Шу бонис кичик-кичик буханкалар чиқарилса анча қулайлик яратилар, энг муҳими — нонни исроф қилишининг бир қадар олди олинар эди.

Бу фикрлардан аён бўладикки, нонни асраш, уни исроф этмаслик учун барча чораларни кўриш зарур. Ҳар ўнда янсон исроф қилмангиз деган шорларни осиб қўйган билан бу инатга етиш қийин. Амалли ишга ўтиш керак. Айтайлик, маҳалларда, қишлоқларда тўйларни, маъракаларни қамқариб қилиб, исрофгарчиликка йўл қўймай ўқашини таъминловчи, айтиш мумкинки, назорат қилувчи оқсоқоллардан иборат бир кенгаш тузилса. Улар тўйларда, бошқа маросимларда тахминан қанча нон кетишини белгилаб берсалар, кимки шунга рияз қилмаса — жазима тўласа. Жаримадан тушган пул маҳалла ёки қишлоқни ободонлаштириш ишларига, етим-есирларга, шифохоналарга берилса.

Шу ўринда тўйлар ҳақида жиддий ўйламоқчиман. Бинобарин, ортиқча харажатлар, керексиз борди-қелдилар тикилиб ётибди. Шулардан биттасини айтимоқчиман. Қўда-андалар бир-бирлариникига тоғоратогора нарсалар юборишларини ҳаммамиз билмаемиз. Бунинг ахши томонларни кўп. Аммо меърийдан охириги юборадиганлар учрайдилар. Бир кун таниш-билиш қариндош-урулар даврасида шу ҳақда гап кетди. Мен никоятда ҳафсалам пир бўлиб, биров қудасиникига йиғирмата тоғоратогора нарса юборингиз, деб номлидим. Аслида мен айтган гап қўлава бўлиб чиқди. Даврада ўтирганлардан бири менинг устимдан кулган каби «Йиғирмата нима бўпти, мен яқиндаги ҳайида қудаминикига кирғиға тоғора юбордим», деб қолди. Даҳшатли жойин шундаки, қўда тараф ўша тоғораларга нарсалар солиб қайтарар экан. Энди айтинг, бу қайси рисолага, қайси урф-одагга тўғри келади? Мусулмончиликнинг бирон-бир қонун-қондасида айтилганми шунча тоғоратогора нарса юбориш керак деб? Менимча, ҳеч бир жойда йўқ. Бу гаплар. Шундай экан, қардан келиб қолди бу одат? Бир-иккита бели оғримай қўл тоған бойваччалар чиқарган «Яхши одат» бу аслида. У аста-секин «мен сендан камми» қабилда омилашган. Лайлаққа тақлид қилиб чумчўқнинг бутни йиртилибди, дейдилар. Шунга ўхшаш ўша бойваччалардан қолмай деб бундайроқ ашайдиганларга қийин бўлди. Уни уйлантириб ёхуд қизини чиқариб олгунча қулқоғича қарзга ботиб қолаверарди. Айтмай деса — дарди ичиде, уят ўйимдан каттиқ деган нақл бор. Шуларни кўриб-билиб маҳалла фаоллари, оқсоқоллари нимага индашмайди? Ахир ўша тоғоралар бўш бориб, бўш қайтмайди-ку. Уларда нон ва нон маҳсулотлари бўлади. Бу нонни, овқатни хор қилиш эмасми? Ҳе, овқатлар вақтида, ейилмайди, оқибатда очиб-айниб қолади. Кейин уни нима қилади? Чиқариб ташлайди. Бундай ҳолатларни дээрли ҳар биримиз кўрганмиз.

Бу воқеалар бир-икки йил олдинги гаплар, албатта. Лекин шу одатлар батамом барҳам топганига нишонли келмайдилар. Чунки қанда бир-икки жойга турли маросимларга бориш шу фикрга келдим. Шунинг учун нонни исроф қилмасликни, уни энг азиз, табарруқ неъмат сифатида қадрлашни бир қилама олиб бориб бўлмайди, унга омивайи равишда киришни, шунга бевосита, ҳатто бевосита алоқадор ишларни ҳам назорат остига олиш, тартибга тушириш учун курашни зарур. Таъки ҳеч қачон нонга зор бўлмайлик. Қолаверса, ҳар қанча тўқин-сонинлик, маъмурилик бўлганда ҳам нонни увоғ қилмасликни, исрофгарчиликка йўл қўйиш фаросатсизлик, меваниятсизлик, бир сўз билан айтганда — гуноҳи экин эканин етти яшардан етиш яшарга — ҳар бир одам тушуниб етсин. Шундангина ризқу рўзимиз бўлган ноннинг ушоғи ҳам исроф бўлмайди. Ҳар қалай, мен шундай деб ўйлайман.

Шоирлар базми

Дурмон боғлари гулларга бурканди. Новадаларда баҳорнинг нозик излари бўртиб чиқди.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги, хушовоз хонанда Бахтиёр Холқужаев бошчилик қилаётган «Турон чечги» ансамбли ўз концерти билан қатнашди.

Ойбек РАҲИМ.

ОШИНИНГ ҲАЛОЛ БУЛСА...

НАВРҮЗ арафасида вилоят ҳокимияти томонидан тузилган тадбирга кўра фуқароларга нителар берилди. Қўшимча турувчи ва пахта ёғи ажратилди.

БАҲОРНИНГ илк тонги Наманганда саҳий қўшининг заррин нурига қўлганди. Вилоятнинг бош боғи — Бобур номи маданият ва истироҳат ўқигаси одам сийма кетди.

Мебель ва бадиий буюмлар фабрикалари, ағри тўқималар ҳамда тикуччилик ишлаб чиқариш бириктирилган мажмуалари харидоргир бўлиб турди.

Кўргазмага марҳамат

ЎЗБЕКИСТОН расмийлар уюшмаси ва «Хамар» ҳалқаро алоқалар маркази Наврӯз байрамига бағишлаб тайيارлаган бадиий кўргазмага 300 дан зиёд нафис таъсир, графика, ҳайкалтарошлик ҳамда халқ амалий санъат намуналари намойиш этилади.

Хозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон расмийларнинг иқидий устаконаларида иш қизғин. Н. Қўзубоева, Э. Охунов каби танқидчи расмийлар қаторида самарқандлик А. Исаев, Буҳоролик У. Уроқов, нукуслик Ж. Изитова ва наманганлик Э. Азизовларнинг асарлари ҳам томошабинлар ҳужига ҳавола этилган.

Ифторлик учун дастурхона сумалак, қўқатли таомлар тортиди. Дастурхон атрофидан миллий ирраш беллашувдан қайтган ёшлар, йиғилма қаналига кўпник курмада қатнашган ҳашарчилар, қизу жувонлар жой олишди. Куй-қўйиқ давом этди.

Узям зоб ўтириш бўлди-да, жамоат бундай маҳалла-маҳалла бўлиб ҳеч жамламагани, — дейди меҳнат

фазрийси Темирбой Мирзав дастурхон атрофидан келди. Ҳа, Наврӯзнинг юзига қора парда тортилган кезларда дошқозонлар жамоат жойларига гузарлардан бадарга қилинганди. Мана энди ошмикиз ҳалол экан, кучада на-ялмиз, дейишяпти. У. ИРСОВ.

Кўргазмага марҳамат

ЎЗБЕКИСТОН расмийлар уюшмаси ва «Хамар» ҳалқаро алоқалар маркази Наврӯз байрамига бағишлаб тайيارлаган бадиий кўргазмага 300 дан зиёд нафис таъсир, графика, ҳайкалтарошлик ҳамда халқ амалий санъат намуналари намойиш этилади.

Кўргазма 10 апрелгача давом этади. Томошабинлар унинг ёқтирган санъат асарларини шу ёрнинг ўзиде сотиб олишлари мумкин.

Умр лаҳзалари КАСБИМВИ ЎЗГАРТИРМАЙМАН

У саҳнани тарқ этди. Муқаббас томошагоҳинг, минглаб мухлисларнинг ниқоҳи қадданга майдонинг қалбида гулвиллаган бурон или ташлаб чиқиб кетар экан, бу ҳол унинг истеъдодига маълум бундан чапак чапган оломоннинг пинагини бузган йўқ, ҳатто улар сазган, килриги пилпауларан эмас. Нафислаб, ҳеч қим, ҳатто пештахталардан фаранг этирини топа олмай қийналган танқозчилик ҳам изтироб чекармади.

деydi Бахтиёр ИХТИЁРОВ жаве ёки Шукур Бурҳоновни кўриш учун қелишарди, дейилса, мулобаға бўлмас. Ёки Раззоқ Ҳамроев, Соиб Ҳўжаев ва энг сўнгиси — Ҳамза Умаров ўнга хос тақдорларимас сиёмолар эдилар. Улар сеҳри, фаршга сўзига хос ёрик шайхлар эдилар. Санъат ҳам поқликми, тозаланим ёқтиради. Устозларнинг болагинг миллий қадриятлар барбод бўлмаган йилларда ўтган, улар бир о бўлса-да эски мактаб, мад-расса таҳсилини олдиларди. Эҳтимол, араб имлосида савдо чикариш, ҳеч қурмас, «қалимаи шаҳодатни» тўғри айта олиш уларнинг руқини очтандир.



Эзгулик йўли

ҲАМ ТАҲСИЛ, ҲАМ МЕҲНАТ

Озодлик қўбидан нур эмиб, муҳтақиллик тупроғидан озуқа ола бошган қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизу аъёнларимиз тикланмоқда. Ваҳшийларча йўқ қилиб ташлаган осори ётиқаларимизу тарихий иншоотларимиз, масжиду мадрасаларимиз қайтадан қура бошладик.

Эдилар: «Америкада одамлар бизадагилардан яхши ашшади, вақти қелиб сизлар ҳам улардан кўп нарсани ўрганасизлар». Бутун умри талатўлларда ўтган, инқилобдан олдинг давринг ҳам, кейингини ҳам ўз кўзиң билан кўриб, уларни ўзаро соқиллаштириш имкониятига эга бўлган тарих гувоҳинг бу фикрларинг биз — қилгоғр шўро ёшлари ҳам қила олмасдик. (Аммо кейинчалик Москвага расмий таъриф билан келган АҚШ Президенти Р. Рейганинг ибодат учун черковга бориши коммунистик ёғлар билан куролланиб олган бутун зибўли ахлини ҳайратда қолдирди. Унинг диндорлиғи, диний эътиқодларга соқиллиғи аён бўлди).

Лекин ҳозирги пайтда атрофимизда биз билан бирга нафас олиб, бирга кун кеңираётган айрим пулдорларнинг йўриғи бошқа. Улар ўзига тўқ, инсоф-дийнатдан анча олиб, даҳшатли томони — улар ўзаро маҳкам уюшган. Маъбуотда ёшиятгандаёқ, ўшалар ҳукумат мўлккалаган ислохотларни барбод қилишмоқда. Тақчиллик ва қимматчиликни юзага келтиришмоқда. Қолаверса, зимдан мамлакатни боқаришмоқда. Шундай экан, биз маънавий қаломатга эришмай туриб, на иқтисодиётни на сивистни кўлга кўя оламиз.



СУРАТЛАРДА: Беғмур қозоқ мадрасасининг талабалари танарафусида. 2. Тикуччилик қаҳда машғулот пайти. Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.

Атрофдагй ноҳақликлар виждонли кишиларнинг тиканиси кўриди. Юракларда йиқилган эътиқод, инсофий дийнат туйғуларни ундирмасдан инсониятнинг бу фожиясига барҳам бериш ағримақолади.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖҮРАБОВ.

MANZILIMIZ: 700000, GSP Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Index: 64608. Includes contact information and a small logo for 'KAPAL SUZU'.